

“УЗУН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2-СОН БАЁННОМАСИ

Сурхондарё вилояти,
Узун тумани, Жомий кўчаси 22-уй

2020 йил 26 декабрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22-уй, “Узун пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **13:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **14:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 3 584 100.

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 17 декабрда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2020 йил 11 декабрь.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи;

2. Гулямов Нигматулло Кадирович – “Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси;

3. Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич – жамият Кузатув кенгаш аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб Х.Хайдаров – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни 2020 йил 14 августда бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган санок комиссияси аъзоси Х.Хайдаровга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2020 йил 11 декабрь ҳолатига шакллантирилган, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 681 та акциядорга тегишли 3 584 100 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 942 400 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 6 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 82,09 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

1. Омонов Улугбек Шукруллаевич – жамият бош директори.

2. Алиев Уткир Асатиллаевич – жамиятнинг Молиявий масалалар бўйича директори-Бош бухгалтер.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
 2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
 3. Аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш;
 4. Жамиятнинг 2019 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
 5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш;
 6. Жамиятнинг кузатув кенгашини қайта сайлаш.
- Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2020 йил 24 ноябрдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи –Хайдаров Хайрулла, жамият ҳуқуқшуноси Исломов Махманазар, акциядор Турахонов Мажидхонлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетень орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 942 400 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:
 - 1) Хайдаров Хайрулла;
 - 2) Исломов Махманазар;
 - 3) Турахонов Мажидхон.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 6 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқадан вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 942 400 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан—жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош бухгалтер У.Алиев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “MEZON AUDIT PERFEST” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 2 октябрдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди (*аудит хулоса 1- илова қилинади*).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов акциядорлардан мазкур масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –2 526 075 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “MEZON AUDIT PERFEST” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 2 октябрдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори У.Алиевга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик хисоботи билан йиғилиш катнашчиларини таништирди (*йиллик хисобот 2- илова қилинади*).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов акциядорлардан мазкур масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –2 526 075 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик хисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан – йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош бухгалтер У.Алиевга берди.

У.Алиев йиғилиш иштирокчиларини Кузатов кенгашининг тавсияси, яъни жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тахсимлаш бўйича йиғилиш катнашчиларини таништирди..

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 278 437,5 минг сўм миқдорида тузилади ва 2020 йил 01 декабрь ҳолатига захира фонди 89 176,8 минг сўм, яъни устав капиталнинг 4,80 фоизини ташкил этади.

Жамият Уставада захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилиши белгиланган.

Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 49 040,0 минг сўм соф фойдасини куйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилган.

- соф фойданинг 5 фоизи – 2 452,0 минг сўмни захира фондига;

- Уставга кўра 2019 йил учун имтиёзли акцияларга - акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида ($500 \text{ сўм} * 15\% = 75 \text{ сўмдан} * 128\,400 \text{ дона}$) жами 9 630,0 минг сўм соф фойданинг 19,64 фоизи дивидендга;

- соф фойданинг 30,32 фоизи – 14 868,9 минг сўмни оддий акциялар учун дивидендга;

- соф фойданинг 45,04 фоизи – 22 089,1 минг сўмни тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдириш ҳамда мазкур 396 219,1 минг сўм маблағ жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов акциядорлардан мазкур масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

- соф фойданинг 5 фоизи – 2452.0 минг сўмни захира фондига;

*Ёқлаганлар – 2 942 400 та овоз 100,0 %, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.*

- Имтиёзли акцияларга - акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида ($500 \text{ сўм} * 15\% = 75 \text{ сўмдан} * 128\,400 \text{ дона}$) жами 9 630,0 минг сўм соф фойданинг 19,64 фоизи дивидендга;

*Ёқлаганлар – 2 942 400 та овоз 100,0 %, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.*

- соф фойданинг 30,32 фоизи – 14 868,9 минг сўмни дивидендга;

Ёқлаганлар – 1 049 025 та овоз 35,65 %, Қаршилар – 1 893 375 та овоз 64,35 %, Бетарафлар – йўқ. нотўғри тўлдирилган бюллетенлар-йўқ.

- соф фойданинг 45,04 фоизи – 22 089,1 минг сўмни тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдириш ҳамда мазкур 396 219,1 минг сўм маблағ жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш.

*Ёқлаганлар – 2 942 400 та овоз 100,0 %, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.*

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 49 040,0 минг сўм соф фойдасини куйидаги тартибда тақсимлансин:

- соф фойданинг 5 фоизи – 2 452,0 минг сўмни захира фондига йўналтирилсин;

- Имтиёзли акцияларга - акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида ($500 \text{ сўм} * 15\% = 75 \text{ сўмдан} * 128\,400 \text{ дона}$) жами 9 630,0 минг сўм соф фойданинг 19,64 фоизи дивидендга йўналтирилсин;

Имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган 9 630,0 минг сўм миқдордаги дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 05 январь 2021 йил.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 06 март 2021 йил.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар белгиланган тартибда ва юкорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

- соф фойданинг 75,36 фоизи 36 958,0 минг сумни тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдириш ҳамда мазкур 411 088,0 минг сум маблағ жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида ҳисобга олинсин.

Кун тартибдаги олтинчи масала юзасидан – йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиха офиси” раҳбари А.Норбоевнинг 2020 йил 7 ноябрдаги АН/696-сонли хатига асосан Кузатув кенгашини сайлаш масаласи бўйича кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар бўйича ёзма таклифлар келиб тушганлиги ҳақида маълумот берди.

Унга асосан, Жумаев Хикматилло Неъматилло ўғли - "Ўзпахтасаноат" АЖ Бош мутахассиси, Халиков Сайдулло Мамаюсупович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Бабаджанова Алишер Камилжанович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарма бошлиғи, Кучкаров Тохир Муминжанович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Қурбанов Шамситилло Аллаевич -Сурхондарё минтақавий пахта терминали» МЧЖ бош бухгалтери, Абдурахмонов Мухиддин Раҳматиллаевич – “Давр мезони” МЧЖ муҳбири, Қаюмов Махмуд Маннонович - Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ Директори, акциядорлар номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокомадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

Жумаев Хикматилло Неъматилло ўғли

“Ёқлаганлар” –1 896 975 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Халиков Сайдулло Мамаюсупович

“Ёқлаганлар” –1 896 975 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Бабаджанов Алишер Камилжанович

“Ёқлаганлар” –1 896 975 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кучкаров Тохир Муминжанович

“Ёқлаганлар” –1 896 975 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Қурбанов Шамситилло Аллаевич

“Ёқлаганлар” –1 896 975 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Абдурахмонов Мухиддин Рахматиллаевич

“Ёқлаганлар” –2 942 400 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Қаюмов Махмуд Маннонович

“Ёқлаганлар” –2 942 400 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

1. **Жумаев Хикматилло Неъматилло ўғли** - "Ўзпахтасаноат" АЖ Бош мутахассиси,
2. **Халиков Сайдулло Мамаюсупович**- Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари,
3. **Бабаджанов Алишер Камилжанович** - "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарма бошлиғи,
4. **Кучкаров Тохир Муминжанович** - "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқармаси бошлиғи,
5. **Қурбанов Шамситилло Аллаевич** - Сурхондарё минтақавий пахта терминали» МЧЖ бош бухгалтери,
6. **Абдурахмонов Мухиддин Рахматиллаевич** – “Давр мезони” МЧЖ мухбири,
7. **Қаюмов Махмуд Маннонович** - Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ Директори.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:

Ш.Қурбанов

Йиғилиш котиби:

Х.Хайдаров

Йиғилиш баёномаси 2021 йил 9 январь куни икки нусхада тузилди.

